
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

2

2020

Тошкент

МУНДАРИЖА

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ	
Абдуллаев Ж.А.	Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шакллари қўллашнинг хорижий давлатлар тажрибалари..... 113
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАЛЫЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО	
Беркинов Б.Б., Шакирова Г.А.	Маҳалла ҳудудида оилани қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари шакллари..... 118
ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА	
Акрамова Ш.Г.	Меҳнат бозоридаги замонавий тенденциялар шароитида аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш йўналишлари..... 124
Отақўзиева С.А.	Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси тугилиш жараёнидаги ўзгаришлар..... 129
Файзиева Д.Ш.	Меҳнат ресурслари ва бандлик муаммоларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий усуллари..... 132
Абдураманов Х.Х.	Ўзбекистон Республикасида демографик ривожланишнинг кўп омилли таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари..... 137
Мирзакаримова М.М., Хажиев Б.Д., Шомиев Г.У.	Ўзбекистонда демографик дивиденд олиш имконияти..... 143
	Здоровье как фактор формирования человеческого капитала..... 153
ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ИНФОРМАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ В ЭКОНОМИКЕ	
Бурханов А.Х., Мухаметов А.Б., Абдувоҳидов А.А., Ўразматов Ж.М., Мамасоатов Д.Р., Каримов Р.Р.	Эркин иқтисодий зоналар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг Қозоғистон тажрибаси..... 158
	Худудларнинг экспорт салоҳиятини оширишда ахборот тизимларини қўллашнинг хорижий давлатлар тажрибаси (Андижон вилояти мисолида)..... 167
ТАЪЛИМ ОБРАЗОВАНИЕ	
Хуррамов С.Р.	Замонавий бошқарув кадрларини танлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича таълим тизимидаги кадрлар сиёсати..... 172
Тоҳиров Ж.Р.	Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликдан самарали фойдаланиш йўллари..... 175
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО	
Муминов Ш.Х.	Сув хўжалиги ташкилотлари харажатларининг бир қисмини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизми..... 181
Хатамов О.Қ., Кулматова С.С., Ибрагимов А.И.	Қишлоқ хўжалик ишларининг бажарилишида техникадан самарали фойдаланишнинг математик моделлари..... 185
	Формирование институциональной системы поддержки экспортного потенциала сельскохозяйственной продукции Узбекистана... 192
Абдувалиев А.А.	Наманган вилоятининг ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили..... 195
РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ	
Норчаев А.Н.	Жиззах минтақасида туристик-рекреацион кластерни жорий қилишнинг ташкилий механизмлари..... 201
Нигманов Э.А., Юсупов С.Ш., Юлдашева У.С., Абриев З.С.	Ўзбекистон республикасини ривожланишида туризмнинг аҳамияти..... 206
	Ўзбекистонда туристик хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболлари..... 210
Қурбонов Б.Т.	Экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари ва чоратadbirlари..... 216
Рахматуллаева Ф.М., Суюнова К.Б.	Минтақавий туризм кластери: моҳияти ва асосий хусусиятлари..... 220
	Мамлакатимизнинг туристик салоҳияти ва ундан фойдаланишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши..... 224

“Танловдан ўтмади, лавозимга мос келмайди”.

Комиссия қарори бир нусхада тузилади. Комиссия қароридан кўчирма танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни мудир лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилиш учун вазирга, мактаб директори лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилиш учун ҳудудий бошқарма бошлиғига киритилади.

Қарор танлов бўйича йиғма жилдга тегиб қўйилади. Танловдан сўнг уч иш куни ичида қарордан кўчирма танловда ғолиб деб топилган талабгор билан меҳнат шартно-

масини тузиш учун асос бўлади ва уни мудир лавозимига тайинлаш бўйича вазирликнинг буйруғи, ёки мактаб директори лавозимига тайинлаш бўйича ҳудудий бошқарма бошлиғининг буйруғи қабул қилинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур механизм бошқарув кадрларини танлаб олишда коррупцияни олдини олиш, менежерлик кўникмаларига эга, билимли, тажрибали, эркин фикрлайдиган, муаммоларга креатив ёндаша оладиган, лидерлик салоҳияти юқори бўлган кадрларни танлаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони
2. Ш.М.Мирзиёев, Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.
3. Халқ таълими вазирлиги интернет сайти. <http://uzedu.uz>

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Тохиров Жавлон Рахимович –
Бухоро давлат университети, таянч докторант**

Аннотация: Ушбу мақола таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликдан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган. Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг узлуксизлигини таъминлаш юзасидан хорижий тажрибалар ўрганилган. Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш имкониятларининг таҳлили амалга оширилган. Муаллиф томонидан ўтказилган таҳлил натижалари асосида, таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизми таклиф этилган.

Таянч сўзлар: Давлат ва хусусий шериклик; хизмат кўрсатиш; таълим; таълим сифати; ҳукумат ҳамкорлиги; ялпи сифат бошқаруви; инновация; фискал сиёсат.

Аннотация: Данная статья посвящена эффективному использованию государственно-частного партнерства в повышении качества образовательных услуг. Изучен зарубежный опыт обеспечения государственно-частного партнерства в образовании. Проведен анализ использования государственно-частного партнерства для повышения качества образовательных услуг. По результатам анализа автора предложен механизм государственно-частного партнерства в сфере образования.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, услуги, образование, качество образования, государственное партнерство, универсальное управление качеством, инновации, фискальная политика.

Abstract: This article is devoted to the effective use of public-private partnerships in improving the quality of educational services. The foreign experience of ensuring public-private partnerships in education has been studied. The analysis performed of the use of public-private partnerships to improve the quality of educational services. Based on the results of the author's analysis, a mechanism of public-private partnership in the field of education is proposed.

Keywords: public-private partnership, services, education, quality of education, public partnership, universal quality management, innovation, fiscal policy.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида аҳолининг турмуш даражаси ва сифат кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, хизматлар соҳасининг

кенгайиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Хизматларнинг олий сифати ва турли туманлиги ресурсларни тежайди, рақобат муҳитини яратади, ишчи кучи бандлигини таъминлайди, ходимларнинг меҳнат самарадорлигини оширади. Бу борада ишчи кучининг меҳнат бозорига қанчалик тез ва қай дара-

жада кириб бора олишига, шунингдек, таълим ва тарбия натижасида олинган кўникма ва малакаларга боғлиқ. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳисоб-китобларига кўра, 2018 йилда дунё ёшларининг 21 фоизи иш билан таъминланмаган, 37 фоизи иш билан банд ва 42 фоизи таълим олиш билан шуғулланаётганини кўриш мумкин[1]. Бу каби маълумотлар жаҳонда таълим хизмати сифатини оширишда турли йўللardan янада кенгроқ ва самарали фойдаланиш лозимлигини англатади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, фаол инновацион фаолият давлатнинг фан-техника тараққиёти соҳасидаги етакчи роли орқали белгиланади. Давлат ушбу соҳадаги миллий устуворликларни аниқлайди, инновацион ривожланишга молиялаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш тизими орқали фаол таъсир ўтказиши. Бундан ташқари давлат томонидан инновацион фаолиятда тадбиркорлик секторининг қатнашишини рағбатлантириб бориши натижасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланаётган ички харажатларнинг катта қисми бизнес томонидан таъминланмоқда. Мисол учун, ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқида (ЕИ) 56%га, Америка Қўшма Штатларида (АҚШ) 63%га, Японияда эса 74 %га тенг. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида корпорацияларнинг умуммиллий тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланаётган харажатлар таркибидаги улуши ўртача 70%га яқинлашмоқда [2].

Мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлида "таълим-илм-тадбиркорлик" учбурчакининг самарали интеграциясини яратиш долзарб масала ҳисобланадики, ушбу муаммони ечишда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Бугун бизнес таълим соҳасида ижтимоий инвестицияларни ривожлантиришга фаол кўмаклашишга мойил бўлиши талаб этилмоқда.

Таълим муассасаси (ТМ) фаолиятининг ташкилий-бошқарув асосларини ўзгартириш иқтисодиётини қайта куриш билан бир вақтда кечади. ТМда молиявий бошқарувнинг сифатини баҳолашда молия-кредит механизмнинг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим урин эгаллайди. Бу дегани, мамлакатнинг олий маълумотли мутахассисларга булган талабини амалда қондириш тизимни молиялаштириш ҳажмларига

бевосита боғлиқдир, бу эса, ўз навбатида, биринчидан, давлатнинг иқтисодий ҳолати, иккинчидан, таълим сиёсати билан белгиланади.

Таълим соҳасидаги ДХШ давлат ва хусусий секторнинг таълим харажатлари ва ҳавф-хатарларини биргаликда молиялаштиришни назарда тутаяди. Таълим сифатини таъминлаш моделининг шартномасига биноан аниқ вақт, белгиланган нарх, миқдор ва маълум бир хизматни сотиб олиш учун ишлатиладиган механизмини ўз ичига олади[3].

Хориж тажрибаларининг кўрсатишича, таълим соҳасида ДХШнинг ҳукумат ҳамкорлик (Government Relations – GR) технологиялари мавжуд бўлиб, қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- моддий ёрдам, академик маблағ тўплаш, корхоналар ва стипендияларнинг таълим купонлари;
- давлат таълим муассасаларини хусусий сектор томонидан бошқариш;
- ўқув жараёнининг логистика соҳасида хусусий сектор иштироки;
- профессионал хизматлар бўйича шартномаларни қўллаб-қувватлаш.

Таълим соҳасида ДХШнинг GR-технологияларини ривожлантириш бўйича юқоридаги йўналишлар ижобий жиҳатларга эга эканлиги билан аҳамиятлидир. Биринчидан, улар инвестицияларнинг самарали тақсимланишини кузатадилар; иккинчидан, яқин ҳамкорлар билан тажриба алмашиш; учинчидан, давлат талабни қондириш ва таълимга инновацияларни жорий этиш жараёнини осонлаштириш учун имкониятларни тақдим этиш. Ривожланаётган мамлакатларда ДХШнинг GR-технологияларини жорий этилмаслигининг асосий сабаблари: хатарларни таққослаш, ДХШ лойиҳаларини етарли даражада молиялаштирмаслик, коррупция ва лойиҳа харажатларини ошириб юбориш. ДХШ мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида асосий истиқболли йўналишларидан бири бўлсада, GR-технологияларининг юқоридаги тўсиқлари Россия иқтисодиёти учун жуддий зарар етказиши деб ҳисобланади [4].

Таълим соҳасида давлат ва хусусий секторнинг фаолиятини фарқлаш ва аниқ белгилаш жуда қийин. Чунки, иккала сектор ҳам таълим хизматларини кўрсатишда ўзаро алоқа ўрнатган бўлади. Бундай ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири таълим


ТАЪЛИМ

тизимида кенг қўлланилиши ҳисобланиб, таълим сифати ва самарадорлигининг оширилишини кўзда тутлади.

Сўнгги йилларда бутун дунёда таълим соҳасида оламшумул ўзгаришлар юз берди. Бу эса, ўз навбатида таълим соҳасида ДХШнинг узлуксиз равишда давлат томонидан молиялаштириладиган ва хусусий равишда тақдим этиладиган шакллари тасвирлади. Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, таъминотидан қатъий равишда очик

бўлган тизимлардан тортиб, асосан давлат томонидан молиялаштирилган ва хусусий равишда таъминланадиган тизимларга қадар амалга оширилишини англатади.

Таълим соҳасида ДХШнинг таъминланадиган тизимлари мамлакатнинг манфаатларига қараб мўлжал олишни назарда тутди. Ушбу концептуал тизим мамлакатнинг таълим соҳасида ДХШ билан боғлиқлик даражасини аниқлашга ёрдам беради (1-расм).



1-расм. Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг узлуксизлиги

Манба: Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, u Harry Anthony Patrinos, The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.16


Шуни таъкидлаш керакки, ДХШнинг қуйи босқичида давлат таълим соҳасидаги тегишли хизматлар учун тўлиқ жавобгар бўлиб, тартибга солиш, молиялаштириш ва таъминотни ўз зиммасига олади. Бошланғич даврда эса хусусий таълимнинг марказлаштирилган равишда фаолият кўрсатишига имкон берадиган мамлакатлар молиялаштиришни давлат бюджетидан амалга оширмайдилар. ДХШнинг ривожланаётган даврида эса хусусий таълимга субсидиялар ажратиш давлат зиммасида бўлади. Турғун ҳолатдаги ДХШ жараёнида шартнома асосида хусусий таълимнинг бир қисмини таъминлаш ишлари олб борилади. ДХШга боғлиқ бўлган мамлакатларда таълимга тегишли хизматларни кўрсатиш учун давлат ва хусусий секторлар мустақил равишда жавобгар бўлади. Истеъмолчилар юқори ДХШ шароитида давлат ва хусусий таълим хизматларини танлашлари мумкин бўлади. Бироқ, уларнинг танловларига тўлов қобилиятлари ва географик жойлашув таъсир қилиши мумкин.

Таълим хизматлари сифатини оширишда ДХШдан самарали фойдаланиш мақсадида тизимли таҳлил ёндошувидан фойдаланишга қарор қилдик. Хусусан, тизимли

таҳлил – объект ва ходисаларни ўрганишга ёндошув бўлиб, бунда уларга таркибини (элементлар таркиби ва алоқаларни), ҳамда ягона тизим сифатида ўзгартириш ва ривожланиш қонуниятларини эътиборга олган ҳолда ривожланувчи тизим деб қарайди. Шу боис, тизимли таҳлил – йирик муаммоларни тизим концепциясига асосланган ҳолда ечиш методологияси ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида таълим соҳасида ДХШдан фойдаланиш имкониятларининг тизимли таҳлил натижаларини кўрсатади (2-расм).

Қуйидаги 2-расмдан кўринадики, дастлаб таълим соҳасидаги муаммолар ўртага ташланса, кейинчалик муаммоларнинг ҳал қилинишидаги қийинчиликлари аниқланиб, бу борада давлат-хусусий шериклик имкониятлари, охирида қўшимча фаолиятлар акс эттирилади ва давлат-хусусий шерикликдан таълим соҳасида фойдаланишни кўрсатади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, замонавий сифат бошқарувида ялпи сифат менежменти тизими (Total Quality Management – TQM)дан амалиётда кенг фойдаланилади. Таълим хизматлари сифатини оширишда ДХШни самарали ташкил этиш борасида ушбу тизимдан фойдаланиш мумкин бўлади.



2-расм. Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш имкониятлари

Манба: Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш имкониятлари муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

АҚШ ва Франция университетларида сифатни ялпи бошқаришга уч жиҳатдан қаралади [5]:

– таълим муассасасидаги ва уни битиргандан кейинги кадрлар тайёрлаш таълимида, шунингдек, муҳандислик йўналишларида ТQMни мустақил ўқув фани сифатида ўтиш (кўпгина таълим муассасаларида бу фан муҳандислик ихтисосликларидаги барча талабалар учун мажбурий қилиб қўйилган);

– ТQM қоида ва усулларида фойдаланиб, бошқа фанларни ўқитишни ташкил этиш;

– ТQM ғоялари асосида таълим муассасининг бошқарувини ташкил этиш. ТQM

билан танишиш сифат конценциясининг тўрт йўналиши бўйича сифат тушунчаси эволюциясини кўриб бошланади:

- стандартга мувофиқлик;
- қўллашга мувофиқлик;
- аён булмаган эҳтиёжларга мувофиқлик.

Шуни таъкидлаш керакки, ТQMни жорий этишнинг умумий эътироф этилган усули мавжуд эмас. У ҳар бир таълим муассасининг маданияти ва ривожланиш тарихига, таълим муассасасида фойдаланиладиган замонавий компьютер технологиялари ривожланиш истиқболига ва имкониятига мос келиши керак.

ТҚМнинг асосий ғояси шундан иборатки, корхоналар нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати устида, балки умумий ишлаб чиқариш жараёни, шу жумладан ишчи ходимларнинг меҳнатининг сифатини такомиллаштириш устида иш юритишлари лозим. Бу уч унсур, яъни маҳсулот сифати, жараёнларнинг ташкил қилиниши сифати ва ишчи ходимлар малакасининг сифатини узлуксиз параллел равишда ошириш бизнесни юксакроқ суръатларда ва самаралироқ ривожланишига имкон яратади. Сифат эса ўз навбатида мижозлар талаб ва истакларининг қондирилиш даражаси, корхона молиявий кўрсаткичларининг ижобий ўзгариши ва корхона ходимларининг ўз меҳнатидан қониққанлик ва мамнунияти каби категориялар орқали белгиланади [6].

ТҚМни амалга ошириш учун қуйидаги ўнта қадамни босиб ўтиш лозим:

1. Янги стратегик фикрлашга риоя қилиш;
2. Ўз истеъмолчиларини билиш;
3. Мижознинг ҳақиқий истак-хоҳишини аниқлаш;
4. Диққат-эътиборни тузатишлар кiritишга эмас, балки профилактика қилишга қаратиш;
5. Вақтни тежаш;
6. Узлуксиз такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш;
7. Жараённи такомиллаштириш учун тузилмавий методологияни қўллаш;
8. Кўринишларни ўзгартиришни камайтириш;
9. Мувофиқлаштирувчи ёхуд баланслаштирувчи ёндашувдан фойдаланиш;
10. Барча функцияларни қамраб олиш.

Маълумки, олий таълим муассасаларини стратегик ривожлантириш истиқболларини белгилаш жараёнида сифат менежменти тизимидан фойдаланишни тақозо этилади. Сифат менежменти тизими мавжуд хато ва камчиликларни аниқлаш, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, ривожлантириш истиқболларини белгилаш, келгусида юз бериши мумкин бўлган инқирозли ҳолатларни прогностлаш, уларнинг олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этиш имкониятларини оширади. Шу билан бирга айрим олий таълим муассасаларида ўқув – услубий, илмий-тадқиқот, молиявий –

иқтисодий ва маъмурий муаммоларини ўрганиш бўйича ўз – ўзини баҳолаш тизими ҳам ишламоқда. Бироқ, шунга қарамай олий таълим муассасаларида сифат таъминотини бошқариш бўйича ўрнатилган ягона стандартнинг мавжуд эмаслиги боис, таълим тизимида сифат таъминоти тизимини шакллантириш борасида услубий ва амалий тавсияларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Ҳар бир соҳани ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича эришилган натижаларни баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашни тақозо қилади. Бу кўрсаткичлар орқали самарадорлик даражаси, ривожланганлик ҳолатига баҳо берилади. Буларни яхшиланиши бевоқифа амалга ошириладиган чора-тадбирларга боғлиқ. Ушбу чора-тадбирлар мазмун-моҳияти жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади: ташкилий механизм билан боғлиқ чора-тадбирлар ва иқтисодий механизм билан боғлиқ чора-тадбирлар [7]. Демак, шундан келиб чиқиб таълим соҳасида ДХШдан фойдаланиш имкониятларининг тизимли таҳлилидан фойдаланган ҳолда, таълим соҳасида ДХШ механизмини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим хизматлари сифатини оширишда таклиф этилаётган механизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, ушбу механизм умумий самарани юзага чиқара олади ва қуйидаги натижаларга эришилади:

- Давлат даражасида стратегик лойиҳалар ишлаб чиқилади;
- Давлат-хусусий шериклик томонлари ҳақ ва ҳуқуқларининг қонуний ва меъёрий мустаҳкамлайди;
- Қўшимча молиялаштириш манбалари яратилади;
- Тизимга янги инновациялар кенг қўлланилади;
- Бизнесга бериладиган имтиёзлар кўлами кенгаяди;
- Хусусий сектор ҳаракатининг давомийлиги таъминланади;
- Узоқ муддатли, истиқболли инвестициялар жалб қилинади;
- Хизматлар кўрсатишининг номуносивлиги нисбатан камаёди;

Ялпи сифат бошқаруви таъминланади ва фаолият натижасида самарадорлик ошади.

ТАЪЛИМ



3-расм. Таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизми

Манба: Таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизми муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур соҳада олиб борган тадқиқотларимиз натижасида айтиш мумкинки, таълим инсон омилига йўналтирилган инвестициядир. Жамият ва давлат бундай инвестициялардан манфаатдор, чунки, таълим хизматларининг хилма-хиллиги ва сифатини ортиши иқтисодий ўсишга ёрдам беради,

ёшларнинг бандлигини таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларни юмшатишга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам таълимга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг салмоғи устуворлиги билан ажралиб туради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. ILOSTAT, ILO modelled estimates, November 2018 via ILOSTAT Spotlight on Work Statistics No. 5 March 2019.
2. Федяшева Г. Развитие инновационного потенциала Узбекистана в условиях модернизации экономики // Рынок, деньги, кредит, № 08(171), 2011. С. 49.
3. Barrera-Osorio, Felipe, Harry Anthony Patrinos, and Quentin Wodon. 2009. Public-private partnerships in education: An overview. In *Emerging evidence on vouchers and faith-based providers in education: Case Studies from Africa, Latin America, and Asia*, ed. Felipe Barrera-Osorio, Harry Anthony Patrinos, and Quentin Wodon. Washington DC: The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank.
4. Материалы круглого стола «Государственно-частное партнерство в сфере образования Свердловской области: проблемы, инновации, опыт» ФГАОУ ВПО «Уральский федеральный университет имени первого Президента России Б.Н. Ельцина» – 2016.
5. Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув. Ўқув қуланма. – Т.: «Tafakkur-Bo'stoni», 2011, б. 97.
6. Ўзбекистон олий таълим тизимида сифат таъминоти: UQASE МОДЕЛИ / проф. Б.Наврўзода ва доктор К.Мачадо таҳрири остида. Брюссель, Брюссель эркин университети (VUB). Тошкент, "Xarizma design" нашриёти, 2008 - 245 б.
7. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, б. 90.
8. Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, u Harry Anthony Patrinos, *The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World*, 2012. p.16